



Ахборот-таҳлил
газетаси

НАМКОР press



www.hamkorpress.uz



t.me/hamkorpress_gazeta

Газета 2004 йилдан чиқа бошлаган

2022 йил 12 август 15 (418)-сон

hamkor.press@mail.ru



Мустақиллигимизнинг 31 йиллиги байрами арафасида "Hamkorbank" АТБ Олмалиқ филиали ташкил топганига 20 йил тўлди. Қутлуғ санани катта ютуқлар билан қарши олган аҳил жамоа янги марралар сари интилоқда.

4-бетда ўқинг ▶

Бу сонга:

2 ЕТТИ ИҚЛИМДАН
ДАРАКЛАР

МУСТАҚИЛЛИК
ТЕНГДОШЛАРИ **3**

4 БИЗ ДОИМ
ИЗЛАНИШДАМИЗ

ТОҒЛАР ОРАСИДАГИ
ХАЗИНА **5**

6 "БОЙ ОТА,
КАМБАҒАЛ
ОТА"

"ПЛАНШЕТ
БЎЙИН" **7**

8 ЎЗБЕКИСТОН БЎЙЛАБ:
ЧИМЁН

Президентимиз Шавкат Мирзиёев "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз бир йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни юқори савияда ўтказиш тўғрисида"ги қарорни имзолади.

Унга кўра, Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз бир йиллигини муносиб кутиб олиш ва ушбу қутлуғ санани юксак даражада нишонлаш мақсадида "Янги Ўзбекистон-

таниқли илм-фан намояндалари, ижодкор зиёлилар, маданият ва санъат арбобларидан иборат тарғибот гуруҳлари ташкил этилади.

Жойларда Мустақиллик бай-

БАЙРАМ ТАДБИРЛАРИ

**"ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА
ЭЛ АЗИЗ, ИНСОН АЗИЗ"**

ШИОРИ ОСТИДА ЎТКАЗИЛАДИ

да эл азиз, инсон азиз" деган бош

ғояни ўзида мужассам этган ташкилий-амалий, маънавий-маърифий тадбирлар ҳамда тарғибот-ташвиқот ишлари дастури тасдиқланди.

Барча ҳудудларда аҳолининг кенг қатламлари ўртасида Мустақиллик байрамини бағишлаб маърифий учрашувлар, очиқ мулоқот ва суҳбатлар, адабий-бадиий кечалар, долзарб мавзулар бўйича фикр алмашувлар, маданий тадбирларни самарали ўтказиш мақсадида

рамини юқори савияда ўтказиш мақсадида қуйдаги масалаларга алоҳида эътибор қаратилади:

— сўнгги йилларда мамлакатда амалга оширилаётган туб демократик ислохотлар, халқнинг ҳаёти, қалби ва онгида юз бераётган ижобий ўзгаришларни таъсирчан усулларда ифода этиш;

— мамлакатда турли миллат ва диний конфессия вакиллари ўртасида аҳиллик ва тотувлик муҳитини янада кучайтириш,

жамиyatда тинч ва осоёишта ҳаётни таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишларнинг аҳамиятини чуқур таҳлиллар, аниқ ҳаётий мисоллар ёрдамида кенг жамоатчиликка етказиш;

— бугунги тинч ва эркин ҳаётни қадрлаб, шукроналик туйғуси билан яшашга, инсон қадрини улуғлашга даъват этадиган маънавий-маърифий тадбирларни уюштириш;

— аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини яхшилаш, ёшлар, хотин-қизлар, кекса авлод вакиллари, ижтимоий ҳимояга муҳтож инсонларга доимий эътибор ва ғамхўрлик кўрсатишга қаратилган дастурларимизнинг ижобий натижаларини кўрсатиш.

Байрам муносабати билан Иккинчи Жаҳон уруши фахрийлари, кекса авлод вакиллари қўллаб-қувватлаш, "Темир дафтар", "Аёллар дафтари", "Ёшлар дафтари"га киритилган ҳамда кўмакка муҳтож инсонларнинг ҳолидан хабар олиш, уларга беғараз ёрдам бериш билан боғлиқ хайрия тадбирларини амалга ошириш ҳам белгилаб қўйилди.

КУН ҲИКМАТИ:

Саховат бирор нарсага қараб ёки эвазига бирор нарса талаб бўлса, ҳатто талаб этилган нарса мақтов ва миннатдорлик бўлган тақдирда ҳам, у саховат эмас.

Абдурахмон ЖОМИЙ.

Иқтисодиёт

ДАВЛАТ
ОБЛИГАЦИЯЛАРИНИ
СОТИБ ОЛИНИШИГА
ЧЕКЛОВЛАР ОЛИБ
ТАШЛАНАДИ

Ўзбекистон Молия вазирлиги давлат ёзначилик облигациялари чиқаришни кўпайтиришни режалаштирмоқда.

Сенат ялпи мажлисида вазир ўринбосари Одилбек Исоқовнинг маълум қилишича, 2019 йилда қарийб 600 млрд. сўмлик давлат ёзначилик облигациялари чиқарилган, 2020-2021 йилларда эса бу рақам 5 трлн. сўмга етган.

“Бу йилги марраимиз – соф 6 трлн. сўм. Марказий банк билан ҳамкорликда давлат ёзначилик облигацияларига нафақат банклар, балки бошқа, жумладан, хорижий инвесторларни ҳам жалб қилиш устида тизимли иш олиб бораёмиш”, – деди у.

Маълум қилинишича, юридик шахслар эмас, жисмоний шахслар учун чиқариладиган облигациялар бўйича ҳам ишлар олиб бориляпти.

Солиқ кодексидан ташқаридаги қоидалар асосида 6 ойда 2,1 трлн. сўм солиқ имтиёзи берилган.

Солиқ кўмитаси E-imtiyoz ахборот тизими орқали имтиёزلардан фойдаланиш бўйича айрим маълумотларни тақдим этди.

2022 йилнинг 6 ойида юридик шахслар 75 мингта ҳолатда 24,6 трлн. сўм солиқ имтиёзларидан фойдаланган. Шундан 8,5 трлн. сўми ҚҚСнинг нол ставкаси қўлланилиши билан боғлиқ.

Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар бўйича солиқ имтиёзлари:

- Солиқ кодексига асосан – 22,5 трлн. сўм;
 - қонун, Президент фармонлари, қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва бошқа ҳужжатларга асосан – 2,1 трлн. сўм қўлланилган.
- Солиқ турлари кесимида:
- энг кўп қўлланилган имтиёз – ҚҚС бўйича 22,4 трлн. сўм
 - бошқа солиқ турларидан – 2,2 трлн. сўм миқдоридан фойдаланилган.

Худудлар кесимида:

Ириқ солиқ тўловчилар бўйича худудлараро давлат солиқ инспекцияси қороналари томонидан жами имтиёз суммасининг 18 трлн. сўм қисми фойдаланилган. Имтиёзнинг қолган 6,6 трлн. сўм қисми республиканинг бошқа худудларига тўғри келади.

Жорий йилнинг 6 ойида энг кўп солиқ имтиёзлари ҚҚС (22 трлн. сўм), фойда солиғи (583,5 трлн. сўм) ва мол-мулк солиғи (544,7 трлн. сўм) дан берилган.

ХИТОЙ

Хитойдаги Baidu интернет-компанияси ҳайдовчисиз автомобиллар ёрдамида такси хизмати кўрсатишни йўлга қўйди. Хабарда айтилишича, компания Чунцин ва Ухан шаҳарлари ҳокимиятларидан бу хусусда лицензия олган.

ҲАЙДОВЧИСИЗ
ТАКСИ ХИЗМАТИ
ЙЎЛГА ҚЎЙИЛДИ

Ҳар бир шаҳарда бештадан Baidu ҳайдовчисиз таксилари Уҳанда 9:00 дан 17:00 гача, Чунцинда 9:30 дан 16:30 гача хизмат кўрсатади.

Апрелда Baidu Пекин ҳокимиятидан ҳайдовчисиз автомобилларда такси хизмати кўрсатишга лицензия олганди. Аммо пойтахт ҳокимияти компаниядан машина салоҳида зарур ҳолларда автомобилни бошқариши мумкин бўлган ходим ҳам бўлишини талаб қилганди.

Ҳозирда компания Пекин, Шанхай ва Шэнчжэн ҳокимиятлари билан буткул ҳайдовчисиз таксилар хизмати учун рухсат олиш бўйича музокара олиб бормоқда.

Озиқ-овқат чиқиндилари бутун дунё бўйлаб тарқалаётган муаммодир. Биринчи Қўшма Штатларда барча озиқ-овқат маҳсулотларининг 40 фоизи истеъмол қилинмай ташлаб юборилади.

ОВҚАТ

ҚОЛДИҚЛАРИДАН ЦЕМЕНТ

Токио университети қошидаги Саноат фанлари институти олимлари қурилиш материаллари ишлаб чиқариш учун озиқ-овқат чиқиндиларидан фойдаланадилар. Бу усул фақат қарам баргларини ва апелсин қобиғи каби мева ва сабзавот қолдиқларидан цемент ишлаб чиқаришни назарда тутди.

Профессор Юя Сакаи раҳбарлигидаги тадқиқотчилар гуруҳи қуқундан

ИТАЛИЯ

ИККИ МИНГ ЙИЛЛИК
ОСОРИ АТИҚАЛАР

Археологлар Италиянинг қадимий Помпей шаҳри ҳудудида идиш-товуқ ва рўзгор анжомларига тўла хоналарни топшиди. Янги топилмалар милодий 79 йилда Везувий вулкани остида қолган қўшна шаҳар ҳақида қўшимча маълумотлар бериши билан қимматлидир.

Сандик, қаравот, шкаф каби анжомлар, сопол ва бронза идишлар хонадон эгалари ўрта табақча мансуб эканидан далолат беради. Девоғига қуш, ўсимлик ҳамда ов суратлари туширилган хоналар ҳам помпейликларнинг ижтимоий мақоми ҳақида тасаввур уйғотади.

Помпей археологик парки директори Габриэль Цухтригелнинг билдиришича, салкам 2000 йиллик тарихга эга уй анжомлари янги сақлангани билан диққатни тортади.

ПУТИН БМТ БОШ
АССАМБЛЕЯСИГА БОРМАСЛИГИ
МАЪЛУМ ҚИЛИНДИ

БМТ Бош ассамблеясининг 77-сессиясида Россия делегациясига президент Владимир Путин ўрнига ташқи ишлар вазири Сергей Лавров бошчилик қилади. Бу ҳақда Кремль расмий вакили Дмитрий Песков

маълум қилди. Унинг сўзларига кўра, Путин шунингдек, сессияда чиқиш қилишни ҳам рад этган. Россия Президенти охириги марта 2020 йил сентябрда БМТ Бош ассамблеясининг 75-сессиясида чиқиш қилганди.

АҚШ

Собиқ Президентнинг сўзларига кўра, тинтувлар чоғида ФҚБ агентлари унинг сейфини бузишган. “Бу ҳуқуқ-тартибот органларининг нотўғри хатти-ҳаракати, суд тизимини қуролга айлантириш ва 2024 йилда президентликка номзод бўлишимни истамайдиган ўта сўл демократларнинг ҳужуми”, – деди у.

ФҚБ собиқ президентнинг уйда тинтувлар ўтказилганми, деган саволга жавоб беришдан бош тортиди ва тинтувнинг эҳтимолий сабабларига изоҳ бермади. Бироқ, Америка ОАВ терговга яқин ман-

ТРАМПНИНГ
ФЛОРИДАДАГИ УЙИДА

баларга таяниб, суд томонидан рухсат этилган тинтувга Трамп Оқ уйни тарк этганда ўзи билан олиб

кетган махфий ҳужжатлар сабаб бўлиши мумкинлигини билдирди. У уларни Миллий архивга топшириши керак эди.

ЯПОНИЯ

қурилиш материалларини тайёрлашда кенг қўлланиладиган иссиқ пресслаш усулидан фойдаланилмоқда. Бунда денгиз ўтлари, қарам барглари, апелсин, пиёз, қоқоқ ва банан пўстлоғи қурилади ва қуқун ҳолатига келтирилиб, прессланади. Олинган цемент мустаҳкамлиги бўйича тижорий портланд цементдан қолишмаяпти.

БУЮК БРИТАНИЯ

Ҳар бир британиялик сув истеъмолини 25 фоизга қисқартириши шарт. Буюк Британияда мазкур масалада ҳукумат дастури қабул қилинди. Дастурга кўра, мамлакатнинг ҳар бир фуқароси 2050 йилга бориб қунлик сув истеъмолини 145 литрдан 110 литргача камайтириши керак.

СУВ ИСТЕЪМОЛИ
КАМАЙТИРИЛМОҚДА

Экспертларнинг ҳисоб-китобларига кўра, 25 йилдан сўнг мамлакатда аҳолини сув билан узлуксиз таъминлаш учун қунига қўшимча 4 млрд. литр сув керак бўлади. Шу мақсадда 1992 йилдан бошлаб биринчи марта сувни захираш резервуарини қуриш бошланганди ва у 2029 йилда қуриб битказилади.

Яқинда Англия жанубидаги айрим худудларда аномал иссиқ ва унинг оқибатида сув ҳаддан зиёд кўп ишла-тилаётгани боис чекловлар жорий этилганди. Ер ости сувлари сатҳининг пасайиб кетиши ва сув омборларининг тўлдирилиши сабабли ушбу қарорга келинди.



БАНГЛАДЕШ

Бангладеш пойтахти Даккада юзлаб талабалар ёқилғи нархини пасайтириш талаби билан намоишга чиқди.

ТАЛАБАЛАР
ЁҚИЛҒИ
НАРХИ
ОШИШИДАН
НОРОЗИ

Талабалар 48 соат ичида ёқилғи нархини аввалги тарифларга туширишни, жамоат транспорти нархини ошириш тўғрисидаги қарорни бекор қилишни ва чипта нархининг ярмини тўлашга имкон берувчи талабалар нафақасини қайтаришни талаб қилгани айтилмоқда.

5 август куни ёқилғи нархлари кескин кўтарилган эди. Шундан сўнг жамоат транспортида йўл ҳақи ҳам қимматлашган. Бундан норози бўлган талабалар биринчи марта намоишига чиқди ва бу полиция ўртасидаги тўқнашув билан яқунланди.

"Hamkorbank" АТБ тизимида 1991 йилда туғилган Мустақиллик тенгдошлари кўпчиликини ташкил этади. Байрам арафасида ана шундай ёшларнинг вакиллари-Жалакудқ филиали ходимларининг кечинмалари билан ўртоқлашдик. Қаҳрамонларимиз бироз ҳазил, бироз жиддий суҳбатга киришдилар. Филиал бошқарувчиси Обиджон Атабековнинг "Хусниддин ва Қудратилло филиалимизнинг икки кўзи. Бир-бирини инкор қилмас даражада функцияси бор" дея таърифлаганича бор экан. Хусниддин ўз "принципи"га эга. Ҳар ойда битта китоб ўқишга одатланган. Шунинг учунми, узоқ ўйлаб салмоқ билан сўзлайдиганлардан. Қудратилло эса шўх ва киришимли.



Хусниддин КОМИЛЖОНОВ,
транзицион менежер:

ги куйидаги фикрларни ўзим-га шиор қилиб олганман: "Биз шундай ўқийликки, Ватанимиз Оврупа мамлакатлари билан бўйлашсин, биз шундай ўқийликки, миллатимиз юз йилдан кейин эмас бугун юксалсин. Биз шундай ўқийликки, дунёни бизнинг маърифат кутқарсин..." Ҳар лаҳза орзулар билан яшайман. Инглиз тилини мукамал ўрганишим керак. Ўз йўналишим бўйича таълимнинг халқаро стандартлар бўйича, оддийроқ қилиб айтганда, Молиявий ҳисоботлар халқаро стандарти сертификатларини қўлга киритмоқчиман. Ва яна ўзимнинг замонавий ҳунарга айланиб бораётган Тредерлик-халқаро бозорда валюта ва акциялар олди-соттисини ташкил қилиш.

ОМАДИ КУЛГАН ЁШЛАР



Қудратилло ЮЛДАШЕВ,
истеъмол кредит менежери:

— Банкмизда ўқиш бўлиши, билим олиш, малака ошириш борасида яратилган шароитлар таҳсинга лойиқ. Олдим-га жуда кўп мақсадлар қўйганман. Яратилган имкониятлардан ўз ўрни-

да фойдалана билишим керак.

Аниқроқ айтадиган бўлсам, ҳаммага ўрнатилган бўлишни истайман. Бу борада мен омадлиман, десам бўлаверадиди. Илк фаолиятимни бошлагандан буён Абдор Жумаевдек тажрибали устоздан кўп нарса ўргандим. Яна "Hamkorbank" АТБ ҳар бир ёш кадрини қадрлайди, кўмак беради. Истеъмол кредити бўлимида ишлаётганимдан буён халқимизнинг жуда кўп бахтли кунларига гувоҳ бўлдим. Кимдир уй жиҳозлари, яна кимдир тўй... Уларнинг яхши кунлари, яхши яшашларига кўмаклашяпман. Шу ҳам Ватанга хизмат

қилиш, Ватан равнақиға ҳисса қўиш, менимча. Ахир оила Ватан ичра кичик ватан эмасми?!

Орзуларим катта, тўғрироғи бепоён. Аввалига банк ходими, кейинроқ менежер бўлдим, тоифа олдим. Энди эса филиал раҳбари лавозимини кўзлаб турибман (мийиғида кулиб ҳазиллашади). Баъзида Мустақиллик билан тенгдошлик бироз чўчилади. "Нима учун" деган савол туғилиши табиий. Мен ёш Ўзбекистон каби юксала оляпманми, келажак учун нимадир фойдали иш қияпманми? Бироз кўнглим тўлгандай - кимгадир нафим тегаётганидан хурсанд бўламан.

— Истиқлол билан тенгдош бўлиш хам шарафли, хам масъулиятли. Оиламиздагилар давлатимиздек қудратли бўлиш талабини қўйишган, менга. 2014 йил Андижон машинасозлик институтини тугатиб, ушбу филиалда иш бошлаганимдан буён ана шу масъулиятни ҳис қиламан. Банкмизни умид ва орзулар саройига ўхшатаман. Минглаб мурожаат қилувчилар бир мақсад билан келишади - фаровон турмуш кечириш. Биз банк кредитини берамиз, тадбиркор ривожланади, демак, давлатимиз ривожланади. Яна кимдир таълим йўналишида фойдаланади. Бошқаси омонат маблағларини ишониб топширади. Демак, мен халқимга хизмат қияпман.

Ҳаҳон адабиёти ва ўзбек адабларининг асарларини севиб ўқийман. Ёзувчи Ж. Жавлиевнинг "Қўрқма" романида-

ХАБАРИНГИЗ БОРМИ?

Ўзбекистонда давлат хизматчиларининг тадбиркорлик муассиси бўлиши тақиқланади. Қонун билан давлат хизматчиси ўз раҳбарининг ноқонуний топшириқ ва талабларини бажаришдан бош тортиш, коррупция ҳақида хабар берганда давлат ҳимоясида бўлиш ҳуқуқига эгалиги белгиланди.

ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИЛАРИ тадбиркорлик билан шуғулланиши тақиқланади

Давлат хизматчиси тадбиркорлик билан шуғулланиши, уларнинг муассиси бўлиши, Ўзбекистондан ташқарида ҳисобварақлар очиши, чет элда кўчмас мулк олиши мумкин эмас. Шунингдек, у даромадлари ва мол-мулки тўғрисида декларация бериши керак. Давлат фуқаролик хизмати лавозимларининг реестри Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги томонидан юритилади ва хизмат-



га давлат тилини биладиган, тегишли малака талабларига жавоб берадиган Ўзбекистон фуқаролари қабул қилинади ва 5 кунлик иш ҳафтаси ва ҳафтасига 40 соатдан ошмай-

диган иш давомийлиги белгиланади.

Давлат хизматчиларига ҳақ тўлаш куйидагилардан иборат:

- базавий лавозим маоши;
- кўп йиллик хизмати учун қўшимча тўлов;
- малака даражаси учун қўшимча тўлов;
- энг муҳим самарадорлик кўрсаткичларга эришганлик учун устама;
- ҳисобот даври якунлари бўйича рағбатлантирувчи тўловлар.

Давлат хизматчиларига хайфсан, жарима, ишдан бўшатиш билан бир қаторда малака даражасини пасайтириш ва лавозимини пасайтириш тарзидagi интизомий жазолар хам қўлланилади. 27 кундан кам бўлмаган йиллик асосий таътил бериледи. Қонун жорий йилнинг октябр ойидан кучга киради.



Андижондаги "Боғи баланд" дам олиш масканида "Hamkorbank" АТБ раҳбар ходимлари ўртасида спортнинг волейбол тури бўйича мусобақа ташкил этилди. Филиаллар бошқарувчилари ҳамда "Алломалар", "Ишбилармонлар", "Кўнчилилар" ва "Бош банк" жамоаларида бирлашган банкирлар майдонда ўзаро куч синашдилар.

"ПОЙТАХТ" — ҒОЛИБ



"Пойтахт" ва "Бош банк" йигитлари чиқди. Қизгин курашлар якунида ғолиблик "Пойтахт" жамоаси волейболчиларига насиб этди.

Ҳаваскор спортчилар банк бирлашган касаба уюшмалари кўмитаси томонидан эсдалик совғалари билан тақдирланди.

И. АМИНОВ.



ALIBABA ПЛАТФОРМАСИ: Ўзбекистон миллий онлайн павильони ишга тушади

лият юритувчи энг йирик ИТ компанияси ҳисобланиб, Taobao.com, Tmall, Alibaba.com, AliExpress каби веб-порталларга эгалик қилади.

Компания дунёдаги энг йирик булутли ҳисоблаш инфратузилмаси, медиа ва кўнгличлар индустриядаги активлардан бирига эга. Асосий фаолияти B2B схемаси бўйича компаниялар ўртасидаги савдо операциялари ва онлайн чакана савдо саналади.

Alibaba платформасида 2022 йил сентябрь ойида Ўзбекистон миллий онлайн павильони ишга тушади. 1999 йилда ташкил этилган ва бош қароргоҳи Ханчжоу шаҳрида (Чжэцзян вилояти) жойлашган Alibaba Group Хитойнинг интернет-тижорат соҳасида фео-



**Жамолiddин
АБДУХАКИМОВ,**
Олмалиқ филиали
бошқарувчиси

Кейинги йилларда республикада амалга оширилаётган иқтисодий соҳадаги ислохотлар зиммалардаги масъулиятни янада оширмоқда. Молия бозорида талаб ва таклифнинг ўсиб бориши, банклар ўртасидаги соғлом рақобат ҳар биримизни изланиш ва яна изланишга ундайди.

Шу маънода айтиш мумкинки, 2002 йилда ўз фаолиятини бошлаган филиалимиз бу борада дадил одимлаб бормоқда. Бош банкнинг эътибори ва бизни қўллаб-қувватлаши ҳудудда ўз ўрнини топишимиз ҳамда мижозлар сонининг жуда тез ўсишига олиб келди. "Hamkorbank" ҳақида билганлар сира иккиланмай филиалимизга кириб келиб, сафимизга қўшилди, аксарияти узоқ муддатли ҳамкорлик таклифни билдирди.

Албатта, янги филиал учун ўз мижозларини топиш осон бўлмади. Шундан келиб чиқиб хонада мижозни кутиб ўтирмай ташқарига юзландик. Жойларда мунтазам тарғибот ишларини олиб бордик. Бошқа банкларга нисбатан ўз устунлигимизни кўрсатиш ва муаммосиз молиявий кўмагимиз билан ижобий натижаларга эришдик.

Олмалиқ шаҳрида 7 та

бошқа банк муассасалари ҳам фаолият юритаётгани ўзига хос йўл тутиш қанчалик зарурлигини кўрсатади. Шундан келиб чиқиб тезкорлик, замонавийлик ва мижоз билан ишлашда юқори муомала маданиятини фаолиятимизда асосий шарт сифатида белгилаб олганмиз. Махсулотларимиз ҳақида ҳар бир ҳамкоримизга тушунча берамиз. Албатта бу ўз натижасини бермоқда. Мижозларимиз сони йил сайин ўсиб бораётгани "банк ва мижоз" муносабатлари мустаҳкамланаётганини кўрсатади.

Биринчи мижозларимиз орасида

риш, ўқитиш, мазмунли дам олишларини ташкил этиш доим эътиборда. Кўп йиллардан буён шу жойда ишлаб, бугун устоз даражасига етган Низомиддин Фозилматов, Феруза Исмамова, Отабек Саниев ва Барно Худойбердиевалар ҳақида қанча гапирсак арзийди. Банкимизни янада ривожлантириш ва шухратини ошириш йўлида улар янги ташаббуслар билан чиқмоқда.

Филиалимизда "Устоз-шогирд" мактаби яратил-

БИЗ ДОИМ ИЗЛАНИШДАМИЗ

кетма-кет кредит олиб, йиллар давомида ҳамкорликда ишлаётган субъектлар кўплаб топилади. Жумладан, "Ампула плюс" МЧЖга 15 марта, "Олмалиқ савдогар" МЧЖга 14 марта, яқка тартибдаги тадбиркор Абдурасул Алиқулловга 18 марта молиявий кўмак берилди, истиқболли лойиҳалари қўллаб-қувватланди. Натижада улар ўз фаолиятини кенгайтириб, халқимизга самарали хизмат кўрсатмоқда.

Ҳар қандай ташкилотнинг ривожланиши, қўлга киритадиган ютуқлари кадрларга боғлиқ. Биз бу масалада ҳамма вақт талабчанмиз. Бош банкнинг кўрсатмалари асосида ходимларнинг малакасини оши-

гани ҳам ўз самарасини бермоқда. Янги ишга қабул қилинган ходимлар жуда тез жамоага қўшилади. Уларга тажрибали ҳамкасбларимиз бериб берилади. Акбар Хўжамуродов, Дилшод Ҳайдаров ва Азиза Жияновалар ҳали иш бошлаганига кўп бўлмай жамоада ўз ўрнини топгани фикримиз тасдиғидир.

Бугун фаолиятимизни ахборот техноло-

гиялари сиз тасаввур қилиш қийин. Улардан самарали фойдаланиш, амалиётга, яъни банк фаолиятига жорий этиш, мавжуд имкониятлардан янада кенгроқ фойдаланишга ҳаракат қиляпмиз. Бу борада ҳар бир ходим доим ўз устида ишламоқда. Молия бозорида ютуқларга эришиш ва мижозлар базасини кенгайтиришда бу катта аҳамиятга эга.

Бош банк томонидан жорий этилаётган замонавий дастур-

РАҚАМЛАРДА



МИЖОЗЛАР

2007 йил	— 589 та.
2012 йил	— 735 та.
2017 йил	— 1351 та.
2022 йил 7 ойлик	— 2812 та.



АЖРАТИЛГАН КРЕДИТЛАР

2007 йил	— 1 419,7 млн. сўм.
2012 йил	— 8 725,7 млн. сўм.
2017 йил	— 94 999,9 млн. сўм.
2022 йил 7 ойлик	— 124 028,7 млн. сўм.



ОМОНАТЧИЛАРНИНГ ОМОНАТ КОЛДИҒИ

2007 йил	— 4,2 млн. сўм.
2012 йил	— 6,4 млн. сўм.
2017 йил	— 9,7 млн. сўм.
2022 йил 7 ойлик	— 14,4 млн. сўм.



ларга асосланган янги банк хизматларини амалиётга кенг жорий этилаётгани ютуқларга бошламоқда. Чунки бугун бу долзарб вазифа. Ортда қолиш, тизимдаги янгиликларни фаолиятимизга олиб кирмаслик мижозлар ишончини йўқотишга олиб келади.

Филиалимиз ташкил топганига 20 йил тўлди. Ортага назар ташласак, йиллар биз учун ривожланиш даври бўлгани кўзга ташланади. Ана шу ютуқларни янада мустаҳкамлаш жамоамизнинг бош мақсади.

БИРИНЧИ МИЖОЗ СЎЗИ

Тадбиркор учун истиқболли бизнес лойиҳа ва молиявий кўмак энг зарур омил. Мен бу борада дастлаб қандай йўл тутишни билмай, иккиланиб тургандим. "Hamkorbank"ни шаҳримизда янги филиали очилганини эшитиб, кириб бордим. Ходимлар хушмуомалалик билан кутиб олди. Режаларимни қўллаб-қувватлаб, биргаликда ишлаш таклифни бердилар.

МЕН УЧУН ҚАДРДОН

Адашмаган эканман. Мана орадан 20 йил ўтди. Аҳолига савдо хизмати кўрсатаман. Пул масаласида сира муаммо йўқ. Биринчи молиявий кўмак билан ишимни бошлаган бўлсам, ҳамон шу банк менга суянч.

Баъзан одамлар банклар ҳақида ўринсиз фикр билдиради, нолийди. Аслида ҳамма гап ўзимизда. Агар берилган кредитдан мақсадли фойдаланиб, вақтида қайтариб борсак, ишончли мижозга айла-

намиз. Керак бўлса имтиёзга ҳам эга бўламиз.

Олмалиқ филиали ташкил топганига 20 йил тўлганини эшитиб, уларни қўллашга ошқандим. Ходимлар мен учун қадрдон дўстга айланган. Аслида бу бизнинг ҳам байрамимиз. Чунки ҳар бир ҳаракатимиз улар билан.

Ҳусниддин АНОРҚУЛОВ,
яқка тартибдаги
тадбиркор.

Мустақил Ўзбекистон ва "Hamkorbank" АТБ 31 ёшда. Икки тенгдошнинг неъматидан баҳрамандлигим менинг бахтим. Ушбу даврда ҳар бир соҳада бўлган каби банк тизимидан ҳам ютуқлар кўп бўлди. Молия муассасаларининг кўмаги билан халқимизнинг ҳаёт даражаси ва сифати юксалиб бораётти. Бугун халқимиз турмуш фаровонлиги ана шу сифатлар билан уйғун.

Юртимиз қиёфаси, шаҳар ва қишлоқлари янада обод масканга айланиб бораётгани мустақилликнинг шарофатидир.

НАСБИМ БИЛАН ФАХРЛАНАМАН

оширилаётган ташаббуслар, биз ёшларга яратиб берилаётган кенг имкониятларни кўриб очиги ўқиб, ўргангим келяпти.

Ватанга меҳр, Ватанга ҳурмат... Булар шунчаки сўзлар эмас. Бу буюк туғулари бошқалардан фарқи ўлароқ биз ва биздан кейинги авлод яхши англамоғи даркор. Аждодларимизнинг ўтмиши, шарафли ва оғриқли хотиралар, буюк

тарихимиз бу борада ибратдир. Мен мустақиллик талабаси бўлдим. Ўқиш даврида ҳам ҳукуматимиз томонидан берилган кенг имконият ва имтиёزلардан фойдаландим.

2009 йилда Тошкент давлат иқтисодиёт институтини тамомлаб, Олмалиқ филиали чакана хизматлар кўрсатиш бўлимига иш ўрганувчи бўлиб келдим. Иқтисодий назарияга эга бўлганим боис қисқа фурсатда банк фаолиятини ўзлаштириб олдим. Мана, ҳозиргача шу тизимда ишлаб келяпман. Филиалимиз ташкил топганининг 20 йиллиги муносабати билан Бош банкнинг Фахрий ёрлигини қўлга киритдим. Бу қувонч, фахр ўз навбатида катта масъулият ҳамдир.

Шухрат АБДУСАМИЕВ,
Корпоратив хизматлар
бўлими етакчи менежери.



Мустақиллик туфайли тарихи минг йилларга тақалувчи кадрларимиз, миллий анъаналаримиз тикланди. Мен бир банк ходими сифатида ўзим фаолият олиб бораётган "Hamkorbank"да амалга



ТОҒЛАР ОРАСИДАГИ ХАЗИНА

Зафаробод Жиззахнинг баҳово гўшаси ҳисобланади. Фориш ва Зафаробод тоғларининг кенг бағрида битмас-туганмас ҳазина мавжуд — муссаффо ҳаво, суя, ер ости ва усти бойликлари... "Huaxin Cement Jizzakh" масъулияти чекланган жамият шаклидаги хорижий корхонаси мана шу жойда ташкил этилган. Уни бир сўз билан тоғлар орасидаги ҳазина, деб аташ мумкин.

Хитой ва Ўзбекистон ҳамкорлигида 2019 йил ўз фаолиятини бошлаган мазкур корхона ривожланиш йўлидан жуда тез борди. Аниқ режа ва ишни тўғри ташкил этилиши ютуқлар омили бўлмоқда. Бугун улкан қурилиш майдонига айланган Ўзбекистон учун бундай ишлаб чиқарувчилар жуда зарур.

Истиқболли лойиҳа 150,0 млн. АҚШ доллари миқдоридagi тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ҳисобига юқори сифатли цемент ишлаб чиқариш заводи қуришга қаратилган. Ташаббускорларнинг ҳаракатлари ўз самарасини берди. Айни кунда энг йирик корхоналардан ҳисобланади. Республикамиз бўйлаб сифатли цемент маҳсулотлари етказиб бермоқда.

Заводда 400 та иш ўрни яратилган. Шунингдек, жамият фаолияти билан боғлиқ ҳамкорлар ҳисобига яна мингдан ортқ фуқаро иш билан таъминланди.

"Huaxin Cement Jizzakh" МЧЖ ХКси ташкил топгандан буён "Hamkorbank" АТБнинг намунали мижозларидан. Ҳисобрақамга хизмат кўрсатиш, халқаро шартномалар бўйича валюта амалиётлари, шунингдек, SWIFT, миллий ва халқаро пластик карточкалар каби банк хизматларининг актив фойдаланувчиси.

Филиалимиз ҳодимлари корхона фаолиятини янада ривожлантириш тарафдори. Ҳамма вақт замонавий банк хизматлари кўрсатилмоқда.

Заводнинг иқтисодий мавқеи жуда юқори. Ижтимоий ва ҳомийлик фаолияти алоҳида таҳсинга лойиқ. Биргина жорий йилнинг бошида Фориш туманининг Эгизбулоқ маҳалласида сел келиши оқибатида зарар кўрган 106 та хонадонни таъмирлаш ва тиклаш учун 318 тонна цемент маҳсулотлари етказиб берди. Шунингдек, Зафаробод туманида жойлашган бир нечта умумтаълим мактабларини тўлиқ ўқув қуроллар ва спорт анжомлари билан таъминлади.

Юқоридagилар ўз-ўзидан корхона иқтисодий жиҳатдан юксалиб бораётганини кўрсатади. Бу келгусида янада самарали ташаббусларга бошлайди.

Дилмурод ЭРКАБОВЕ,
Жиззах филиали бошқарувчиси.

Газетамизнинг бугунги меҳмони узоқ йиллар "Hamkorbank" АТБнинг Қўқон филиалида самарали меҳнат қилиб, айни пайтда кексалик гаштини сураётган Зубайда опа Нуриддинова. Опанинг ҳаёт йўли ва ўзига хос иш услуби вазифаси ёшларга "ибрат мактаби"ни ўтамоқда.

— Биз одатда инсонлар ҳаётининг фақат гўзал ва тўқис тарафини кўриб ўрганганмиз. Ва яна дунёда шон-шухрат, бахтли ва шуқуҳли онлар кўп деб ўйлаймиз, — дейди суҳбатдошим. — Ваҳоланки, ана шу ҳаётнинг мураккаб ва кемтик тарафлари ҳам бор. Яхши шароитни яратиш эса ҳамма вақт ўзимизга боғлиқ. Бежизга бу сўзларни келтирмадим. Бугунгидек гўзал ҳаётини меҳнат ва фақат меҳнат билан яратдим.

У оилада вафодор ёр, меҳрибон

она, оқила уй бекаси бўлиш учун озмунча заҳмат чекдим. Иш фаолияти давомида банкнинг қатъий талаблари, тартибларидан ошириб ҳаммасига улгурди. Икки нафар фарзандини оқ ювиб, оқ тараб вояга етказди. Ҳавас қиладиган томони ҳам айнан шунда. "Зубайда опа ҳеч

ИЛМ ЖАВОҲИРЛАРИГА ТЎЛА ОЛТИН ХУМ

қачон қийинчиликлар ва турмуш ташвишларидан ноланган эмас", дея таъкидлайди ҳамкасблари.

— Фаолиятимнинг асосини банклар ташкил этади. Дастлаб Қўқон шаҳридаги "Электромаш" заводида иқтисодчи бўлиб ишласамда, кейинчалик "Ўзтадбиркорбанк" ва "Ғаллабанк"да тажрибамни оширдим. 2003 йилдан ҳаётимни

"Hamkorbank" билан боғладим.

Қаҳрамонимиз қўқонликларга хос вазминлик билан ўйлаб-ўйлаб кейин сўзлайди. Қаттиққўл кўринсада аслида самимий, меҳрибон, бироқ қатъиятли, талабчан.

— Болалиқдан тикиш-бичишни яхши кўрардим. Ота-онам жид-

дий инсонлар бўлишгани боис аниқ фанларга иштиёқим ортди. Қизиқишларим иқтисодиёт йўналишида таҳсил олишга ундади. Иш деб оилавий ҳаётимдан, оилавий шароитим туфайли фаолиятимдан кечмадим. Иккисини бирдай олиб бордим. Бу борада сеvimли жамоамнинг кўмаги доим асқотди. Банкнинг менга берган

ги яқунланди. Кўрсаткичларда самарали иш юритганимиз ўз ифодасини топмоқда. Белгиланган ярим йиллик фойда режаси 132 фойизга бажарилди. Йил бошида мижозлар сони 158 тани ташкил этган бўлса, ҳозирда уларнинг сони 172 тага етди. Янги жалб этилган мижозларга алоҳида эътибор билан қаралмоқда. Сабаби, уларда банкимизга ишонччи мустаҳкамлаш лозим.

Молиявий кўмак банк кўрсаткичининг асосий омили. Шундан келиб чиқиб бу масалада қилинган ҳар бир мурожаатга ижобий ечим билан жавоб беришга ҳаракат қиламиз. Ўтган 6 ой давомида 158 та жисмоний ва 51 та юридик мижозларга кредит берилгани бунинг тасдиғидир.

Қўлга киритилаётган ютуқлар ҳодим-

МИЖОЗЛАР ХИЗМАТИГА ТАЙЁРМИЗ



нинг фаолият юритиши тадбиркорлар учун ҳам, фуқаролар учун ҳам айни мудоао. Сабаби, шу жойнинг ўзида банкимиз томонидан таклиф этилаётган барча хизматлардан фойдаланиш, яъни ҳисобрақам очишдан тортиб кредит расмийлаштиришгача бўлган амалиётларни бажариш мумкин.

Шу ўринда бизнинг кичик жамоамиз замонавий хизмат кўрсатиш баробарида доим мижозлар сафини кенгайтириш ҳаракатида. Самарқанд шаҳар марказида жойлашганимиз биздан икки қарра масъулият билан ишлашни талаб этади. Негаки хизматимиздан фойдаланувчилар орасида хорижликлар ҳам бор. Улар биз орқали бутун Ўзбекистондаги банклар фаолиятига баҳо беради.

Йилнинг биринчи ярим йилли-

ларимизнинг ўз вазифасига масъулият билан қараши ва ташаббускорлигининг натижаси. Мижоз қачон бизни сўраб келаркин, деб кутиб турмаймиз. Жойларда доимий равишда тарғибот ишларини олиб борамиз. Бу борада Санжар Қурбонов, Озод Мўминов, Назира Исмоилова ва Дилмурод Бахрамовларнинг фаоллиги эътиборга лойиқ.

Вақтингиз тизигилиги сабабли молиявий юмушларингизни тез ва сифатли бажариб, биргина ҳодимнинг ўзи билан барча масалаларга оидинлик киритишни истасангиз сира иккиланмай бизга мурожаат қилинг.

Шокир ШОДИЕВ,
Самарқанд филиали Регистон банк хизматлари офиси бошлиғи.

ФАХРИЙЛАРИМИЗ

илм жавоҳирлари олтин тўла хумга ўхшайди. Мен учун ҳақиқий бойлик ўқиб-ўрганганларим, жамоамдан олган меҳр, қадр-қимматимдир. Ҳали ҳам уларнинг меҳр-муҳаббати билан яшаётиман.

— Нафақада ҳам бўш ўтирмайсиз эканда?

— Ҳаракат қилиб ўрганганман. Бекорчиликни ўзимга эп кўрмайман. Бичиш-тикишни унутмаган эканман. Набираларим, яқинларимга қўйлақлар тикияман. Байрамлар, турли тадбирларга таклиф қилишади, доим эъзозлаб, йўқлайдиган жамоамдан хурсандман.

Филиалга тез-тез бориб маслаҳатларини бериб турадиган Зубайда опа ёшларга соҳа сирларини ўргатишга доим тайёр.

Нилуфар ЙЎЛДОШЕВА.

«Бой ота, камбағал ота» — дунёдаги энг машҳур молиявий саводхонлик ҳақидаги китоблардан бири ҳисобланади. Унинг муаллифи Роберт Кийосаки миллионлаб одамларнинг пул ҳақидаги фикрини ўзгартирган. Инвестор, тадбиркор ва ёзувчи актив ва мажбурият, қашшоқлик ва банкротлик ўртасидаги фарқ ҳақида гапириб, икки отани таққослайди: ўз отаси, ўқимишли, аммо молиявий жиҳатдан муҳтож профессор ва дўстининг отаси, молиявий фаровонликка эришган, муваффақиятли, ақлли ва молиявий саводхон одам. Китоб 109 дан ортиқ мамлакатда сотилган ва олти йилдан бери New York Times'нинг бестселлерлари рўйхатида етакчилик қилади.

рат қилишда ёрдам беради. Бойларнинг мардлиги, азм-у шижоати, энг аввало, огоҳликка асосланади. Билим, таҳлил қилиш ва инвестиция қилиш қобилияти молияни малакали бошқаришда фойда келтиради ва бойлигинингизни қўпайтиришга ёрдам беради.

Ўзингиз учун ишлашни бошланг

Асосан, ўрта синф иш берувчи ёки давлат учун ишлайди. Агар ҳақиқатан ҳам бой бўлишни истасангиз, ўзингиз учун ишлашни бошланг. Ўзингизни қизиқтирган фаолият соҳасини танланг, чунки қизиқиш - бу ишнинг ярми дегани. Бошқаларга бўйсуниб қолманг, бу молиявий имкониятларингизни максимал даражада оширишга имкон бермайди.



ришга ёрдам беради. Дунёқарашингиз қанчалик кенг бўлса ва турли лавозимларда кўпроқ тажрибага эга бўлсангиз, бутунлай бошқа соҳаларда ҳам

Муваффақиятсизликларингиз билан фахрланг

Йўқотишлардан ёки муваффақиятсизликлардан кўрқманг. Кўрқув табиий ҳолат, лекин хатоларингиздан қанчалик тез сабоқ олсангиз, тезроқ кўтарилиш эҳтимоли шунчалик юқори бўлади. Йўқотишни фожиа деб ҳисобламанинг. Фақат ғалаба қозониш учун бир нечта уринишлар қилмаган одам мағлуб бўлмайди.

Пул йўқотиш кўрқувидан халос бўлинг

Агар бойиб кетишни истасангиз, унда доимий сармоя - пул ишлашининг ягона йўли деган фикрга ўрганинг. Таваккал қилишдан кўрқманг ва пулга эрта-ми-кечми сизга фойда келтирадиган товар сифатида муносабатда бўлинг. Агар пул йўқотишдан хавотирда бўлсангиз ва «куйиб қолишдан» кўрқсангиз, афсуски, сизда катта ютуқдан олдин бир неча бор йўқотишга тайёр бўлган одамга қараганда бой бўлиш имконияти анча паст.

Дастлаб харажатларни қисқартиринг

Бой кўриниш ва бой бўлиш бир хил нарсаси эмас. Квартиралар, машиналар ва уйларнинг мавжудлиги ҳақиқий даромад даражанингизни кўрсатмайди. Айниқса, қимматбаҳо кўчар ёки кўчмас мулк охирги пулга ёки кредитга сотиб олинган бўлса. Бой одам биринчи навбатда харажатларни қисқартиради, инвестициялар ёки бизнесни ривожлантиришга пул тикади ва фақат сиз учун ишлайдиган бўш маблағингиз бўлгандан кейингина ўзингизни бой деб аташингиз мумкин.

Пулни яхши кўринг

Эҳтимол, бу энг муҳим қоидадир. Сиз пул ҳақида гапиришдан чарчамайсиз, иштиёқдасиз ва молия билан боғлиқ ҳамма нарсани ўрганишни хоҳлайсиз. Агар пулга ва у билан боғлиқ бўлган нарсаларга унчалик қизиқмасангиз, унда бутун ҳаётингизни бойиш ва капитал ўсишга бағишламаслигингиз керак. Айниқса, рақамлар, таҳлиллар ва иқтисод сизни зериктирса.

Пулга бўлган муҳаббат муваффақият калитидир.

Х.РАШИДОВ тайёрлади.

"БОЙ ОТА, КАМБАҒАЛ ОТА"

Фақат пул учун ишланг

Текинга ишлашга ҳаракат қилинг, бу фикрингизни янги даромад олиш имкониятларини очади ва сизни фақат иш ҳақи миқдорига эътибор беришдан қутқаради. Қанчалик парадоксал бўлмасин, аксарият ходимларнинг муаммоси шундаки, агар улар етарлича маош олмасалар, иш ҳақини оширишни сўрайди ёки янги иш қидира бошлайди. Кўрқув ва очкўзлик одамни каламушлар пойгасида иштирок этишга мажбур қиладиган ҳаракатланттирувчи кучдир. Янги иш қидирасиз, унда ҳам иш ҳақини оширишни сўрайсиз, ишдан бўшаб, яна иш қидирасиз. Шунинг учун бойлар пул учун эмас, балки салоҳият ва ташаббус учун ишлайди.

Болаликдан молиявий таълим олиш муҳим

Нега бухгалтерлар ва молиячилар ҳар куни пул билан ишлашса ҳам бой эмас? Пулни ҳисоблаш қобилияти ва молиявий саводхонлик ўртасида катта фарқ бор, бу на болаларга, на катталарга ўргатилмайди. Молиявий саводхонлик ҳатто энг қийин иқтисодий вазиятлар ва инқирозларда ҳам вазият ҳамда бозорни тушуниш ва назорат

Роберт Кийосаки муваффақиятга эришиш учун амал қилган 10 та қоида

Бой бўлишга лойиқ эканлигингизга ишонч ҳосил қилинг

Агар пул топиш ҳақида ўйлаганингизда, шубҳа пайдо бўлса ва ўзингиздан: Мен бой бўлишга лойиқманми? деб сўрасангиз, бу ёмон аломат. Ҳаётда бой бўлиш учун фикрингиз билан ҳам ўзингизни бой одамдек ҳис қилинг. Мен тежашим керак, Мен пул топа олмайман деган ибораларга ўралашиб қолманг... Шундай ўйланг: мен пул ишлашга лойиқман, мен буни қила оламан ва мен хоҳлаган нарсамга қодирман.

Иш жойингизни ўзгартиришдан ва янги тажриба орттиришдан кўрқманг. Баъзиларга барқарорлик катта даромаднинг асосий таркибий қисмларидан бири бўлиб туюлади. Бой дада ишни ўзгартиришдан кўрқмаслик кераклигини айтганидек, бир мутахассисликдан бошқасига ўтиш дунёқарашингизни кенгайти-

пул ишлашингиз осонроқ бўлади. Турли жараёнларни бошқаришни ўрганинг, пул ва одамларни, энг муҳими, ўзингизни ва вақтингизни бошқариш кўникмаларига эга бўлинг.

Фаолликларни кўпайтириб, пассивликларни камайтиринг

Пассивликни минималлаштиришга ҳаракат қилинг. Агар ҳали оёққа турмаган бўлсангиз, унда харажатларни талаб қиладиган ва ҳеч қандай фойда келтирмайдиган нарсаларни унутинг (деярли ҳамма нарсадан фойда олишга ҳаракат қилинг). Масалан, жуда кўп техник хизмат кўрсатишни талаб қиладиган машина, сиз ижарага бермаган квартира ёки уй. Активлар ҳар доим даромадингиз бўлиб қолади, уни бизнес инвестициялари, акциялар ёки беҳуда бўлмаган кўчмас мулкни тўғри жойлаштириш орқали яратингиз мумкин.

иншоот бўлган.

Биласизми?

* Одий

қўл телефонида ҳоҳатхонадаги унитаздагидан кўра кўпроқ бактерия бўлади.

* Агар инсоннинг юзи хижолатликдан, уятдан қизарса, ошқозонининг ички тарафи ҳам қип-қизил тусга киради.

* Табиатда шундай бактерия ҳам борки, унинг вазифаси олтин ишлаб чиқариш.

* Билл Гейтснинг шахсий бойлиги шу даражадаки, жажондаги 18

ёшдан катта бўлган ҳар бир кишининг тўрт йил олийгоҳда шартнома асосида таълим олишига

ИШОНИШ ҚИЙИН, АММО ҲАҚИҚАТ



етади.

* Юпитер сайёрасининг ичига бир вақтнинг ўзида Қуёш системасидаги қолган барча сайёраларни жойлаштира бўлади.

* Эракк сичқонлар ҳам бошқа жонзотлар сингари урғочи сичқонларга "Севги қўшиғи"ни "қуйлайди". Мана шу "қуйлаш" асосида улар инсон эшита олмайдиган товуш - ультратовуш чиқаради.

НОЗИМЖОН ҲОШИМЖОН ўғли тайёрлади.


* Минора қурилатган пайтда унинг 100 йилдан ортиқ вақт туришини лойиҳа муаллифи инженер Гюстав Эйфел ҳам кутмаган эди. Эйфел минораси 1889-йилги Бутунжаҳон кўргазмаси учун экспонат сифатида қурилган бўлиб, 20 йил сақланиши кўзда тутилган эди. Француз инқилобининг 100 йиллигига бағишланган лойиҳалар танловида Александр Гюстав Эйфел ғолиб бўлган.

* Эйфел минорасининг баландлиги 324 метр бўлиб, очилган пайтдан бошлаб 41 йил давомида 1930-йилгача дунёдаги энг баланд

Минора қурилишида олий сифатли пўлатдан фойдаланилган. Пўлат конструкцияларнинг жами оғирлиги 9441 тонна бўлиб, 18038 та бўлак бирлаштириб чиқилган.

* Техника юқори даражада тараққий этган ҳозирги даврда ҳам минорани оддий мўйқалам билан бўяшади. Бўяш ишлари ҳар етти йилда амалга оширилади

* Иккинчи жаҳон уруши пайтида немислар Парижни эгаллаганда парижликлар минора лифтини бузиб қўйишган.



ЭЙФЕЛ МИНОРАСИ

Театр майдонидаги сахна баҳор кезлари жуда гавжум бўлади.

Қари-қартанг, ёш-яланг скамейкаларга ўтириб олиб ўзларини офтобга товлашади. Кампирлар аравачаларда невараларини олиб келиб, ўзлари кўзойнак устидан газетани ялағудек қилиб ўқишади.

Мен ҳам бўш пайтларимда шу ерда ҳордиқ чиқаришни жуда яхши кўраман.

Бир кун киоскадан газета олиб ўқиб ўтирган эдим, ёнимда ҳассасини скамейкага тираб бир хотин ўтирарди. Унинг олдидаги ҳаворанг аравачада невараси ипи тугмасига боғлаб қўйилган қизил шарни ушлаволмай қийқиради. Кампир унга бепарво, ўтган-кетганларни томоша қиладди.

— Неварами? — дедим. Кампир ўғирлиб қаради.

— Йўқ, айланай, чевара. Чевара ширин бўларкан. Онаси ёш. Дадасининг ўзи бола. Ўзим оёққа турғизиб бермасам эплашолармиди.

— Ҳали юрмайдими?

— Юриш қаёқда, айланай. Энди тойтой туряпти.

Биламан, бола-

БИР УМР...

лар жуда айёр бўлишади. Кўтардиган одамни топишса сира ерга оёқ қўйишмайди. Бу бола ҳам шунақа қилаётгандир. Кампирнинг меҳрибонлигидан фойдаланаётгандир.

— Юриб ҳам кетарди, киш пайтида бола юришга эринади. Мана, офтоб одамнинг елкасини қиздириб қолди. Энди юриб кетар.

Кампир шундай деб болани аравачадан олди. Икки қўлигидан ушлаб ерга қўйди. Бола аввалига тиззасини букиб тихирлик қилиб турди-да, кейин икки оёғини ерга тиради.



Саид АҲМАД

— Қани, амакинларга битта той-той туриб бергин.

Кампир уни қўйиб юборди. Бола худди ҳавода муаллақ қолгандек омонат туриб қолди, кейин бирдан олдинга шўнғиб кетди. Шу шўнғиганда ўнг оёғини кўта-

риб ташлади. Йиқилмади. Кейин яна бир марта шундай қилдию, маст одамдек гандираклаб юриб кетди. Тўрт-беш омонат қадам ташлаб орқаси билан ўтириб қолди. Кампир югуриб бориб уни кўтарди. Бола энди аравачага ўтиргиси келмай, ерга тушишга хархаша қилаверди. Кампир уни ерга қўйишга мажбур бўлди.

Шу алпозда бола уч-тўрт марта юришга интилади. Охири пилдираб беш-олти қадам босадиган бўлиб қолди. Кампир хурсанд.

Уларга қараб туриб, ўйлаб кетибман.

Боланинг оёғи ерга тегди. Биринчи қадами бошланди.

Эҳ-ҳе, бу одам ҳали ҳаётда қанчадан қанча ерларни шу оёқ билан босиб ўтади. Умр бўйи...

ҲАЙКАЛ



қилич-қалқонларнинг жарангини эшитгандек бўламан.

Буларнинг барини тарих шамоллари учуриб кетди. Одамларнинг хотиридан юлиб кетди.

Аммо кўҳна деворда қолган беш бармоқ изи ҳали ҳам кўриниб турибди. Бу минг йиллар қаърида йўқ бўлиб кетган одам қўлининг изи. Шу азамат бинога гишт терган меъмор қўлининг изи.

Одам қўлигина одамга абадий ҳайкал қўйишига ана ўшанда ишонганман.

айланган китобларни кўрганман. Шуларни одам яратган, уларда одам қўлининг изи бор.

Бухоро кўчаларида кезарканман, жуда кўп хотиралар хаёлимдан ўтади. Асрлар қаърида қолиб кетган жангу жадалларни кўргандек,

Бухорода қадим иморатлар кўп.

Бу кўҳна шаҳар кўчаларида хаёлчан кезарканман бир тўда сайёҳлар боши булутга чулганган минорага қараб туришганини кўрдим. Уларга кекса бир илмий ходим минора тарихини тушунтиряпти. Қулоқ солдим.

— Етти юз йил бўлган бу миноранинг қурилганига.

Сайёҳлар ҳайрат билан ёқаларини ушлашди.

Мен бу хил ёдгорликларни кўп кўрганман. Арманистондаги тўрт минг йиллик Двин харобалари, Кегарт қалъаларини, неча минг йиллар муқаддам ёзилиб бизга етиб келгунча тошга

КИМ КИМНИ ТАНИЙДИ?

Бир файласуф шундай деган экан:

— Ақлли одам аҳмоқни дарров танийди, чунки ақли киргунча бир вақтлар ўзи ҳам шу тахлитда бўлган. Аммо ақлсиз одам ақлли одамни таниши амри маҳол, чунки у ҳеч қачон ақлли бўлмаган...

НОМАРДГА МАРДЛИК ҚИЛИНГ...

Номард кишилардан ўч, қасос олиш марднинг иши эмас. Сиз бахтли бўлинг, омадларга эришинг, ҳамиша олдинга интилинг — буни улар кўтара олишмайди.

Ахир, қўшиқда "Қандингни ур, омадли одам", дея бежиз қуйланмайди-ку...

Мен билган ҳақиқатлар



ЎША ПАЙТДАЯМ...

— Нодоннинг нодонлигини икки хислат айтиб туради: биринчидан, гапи тутуриқсиз, иккинчидан, жавоби поймалой бўлади...

Ҳай-ҳай, дарров мени файласуфга чиқариб қўйманг, буни Афлотун айтган.

Мен эса ҳозир Афлотун бобо ҳам менга ўхшаб нодонларга кўп учраганимкин, деб ўйлаб турибман, холос.

Нажмиддин ИКРОМИЙ.

САЛОМАТЛИК

"ПЛАНШЕТ БЎЙИН" — АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ АСРИ ХАСТАЛИГИ

Гаджетлар кундалик ҳаётимизни қанчалик қулайлаштиради, уларнинг соғлиғимизга келтираётган зараридан кўз юмиб бўлмайди. Смартфон ва планшетларнинг зиёидан шифокорлар кўп бор огоҳлантиришган. Соғлиққа салбий таъсирлардан бири бўйин касалликлари билан боғлиқ.

Авваллари кўплаб касалликларга кексаликдан, деб қараларди. Замонавий жамиятда умуртқа муаммолари ёшларда кўп кузатилмоқда. Бу эса гаджетларнинг сурункали ишлатишдан бўйинга тушадиган ортиқча босимдан келиб чиқади.

Жаҳон ўргимчак тўрига шўнғиган одам вақт ҳисобини юритолмай қолади, унинг наздида соат миллари югуради. Шу тариқа узок вақт бир позада ўтиргани ҳам, бунинг чарчоғи ҳам ўзига сезилмай қолади.

Тиббиётга "планшет бўйин" атамаси кириб келди. У гаджетга мук тушиб, зўриқиб қолган бўйиннинг таърифидир. Гаджетнинг фаол фойдаланувчилари бўйинларини доимий равишда (қўли бўш бўлса ҳам) 60 градус бурчкада ушлаб туришга ўрганиб қоладилар. Бу эса жуда хавфли.

Қаднинг нотўғри тугилиши организм учун ўта хавфлидир. Буни билдирмасдан касал қилиш, деса ҳам бўлади. Зеро, шу сабаб қон айланиши секинлашади, миянинг ксилород ва озиқ моддалари билан таъминланиши оқсайди.

Шунданми, планшет ва смартфонни кўп ишлатувчилар бош оғриғи, тез чарчаш, уйқусизликдан шикоят қилишади. Ташхис вақти уларда умуртқалар аро чурра аниқланади. Бу энг енгил даражада оғриқ, оғир даражада эса ногиронлик билан кечади.

Албатта, кимнинг иши, тирикчилиги гаджетлардан кўп фойдаланишни такозо этса, улар соғлиқ ҳақида ҳам қайғуришни унутмай, иш орасида танаффус ва жисмоний машқлар бажаришни йўлга қўйиши керак. Таянч-ҳаракатланиш аппарати ва айнан бўйин остеохондрози ҳамда чуррасини бартараф этишга қаратилган махсус машқлар мавжуд. Фақат уларни бошлашдан аввал шифокор билан маслаҳатлашиш шарт. Касал хуруж қилган, оғриқ турган вақтда машқларни бажариш тақиқланади.

Аслида умуртқанинг энг нозиги бўйин умуртқасидир. У анча серҳаракат ва босим тушишга мойил қисм саналади. Бошқа умуртқаларга нисбатан ҳимояланганлик даражаси ҳам паст. Чурра бу соҳанинг энг жиддий хасталиги. Аломати асосан ноқулайлик ва оғриқ билан бўй қўсатади. Кейинчалик мигрень, қўл бармоқлари музлаши, бош айланиши, кўнгил айниши, қуруқ йўтал, қулоқда шовқин, қон босимининг ўйнаши қўйилади. Асорати эса организм учун қимматга тушади. Жарроҳлик столига ётқизадиган ҳам, ногиронлик аравачасига ўтқизадиган ҳам шу дард ҳисобланади.

Ёш ўтган сари умуртқалар аро дисклар қайишқоқлигини йўқотади. Буни инобатга олган ҳолда 35-40 ёшдан кейин умуртқа, хусусан бўйин умуртқаси саломатлигига эътибор бўлиш керак. Генетик мойиллиги бўлганларга ҳам худди шу гапни айтиш ўринли.

Тугал ташхис қўйиш аввалидан рентенограмма, МРТ, электромиография текширувлари буюрилади. Даволаш мақсадида беморнинг аҳволига кўра физиотерапевтик муолажалар, медикаментоз терапия ёки жарроҳлик амалиёти буюрилиши мумкин.

Машқларни уй шaroитида, ҳар кун кечаси 30 дақиқа вақт ажратган ҳолда бажариш мумкин. Дарднинг енгил даражасида машқлар орқали 4-6 ҳафтада беморнинг аҳволи анча яхшиланади. Шунингдек, массаж, ультратовуш, махсус ортопедик ёқалар тақиш тасвия этилади. Касалликни ўтказиб юборганлар нейрохирургнинг ҳам кўригидан ўтиши шарт.

**Олий тоифали умумий амалиёт шифокори
Дилфуза Ачилова тавсиялари асосида
Дурдона АЛИМОВА тайёрлади.**



Фарғона туманида жойлашган Чимён қишлоғи кўҳна тарихга эга. Бетакрор табиати, мевали боғлари, санаторий-курорт манзиллари билан машҳур. Унинг гўзаллиги ҳақида қанча гапирсак оз. Дам олиш истагидаги инсон борки, танловни айти шу жойдан бошлаши бежиз эмас.

Қир-адирликлар орасида жойлашуви, шарқираб оқувчи сойнинг зилол суви қишлоқ табиатини янада бойитади. Булоқларини эса бир сўз билан "Қишлоқнинг гавҳари", дея аташ мумкин.

Худудда айти вақтда 9 та сиҳатгоҳ фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг ҳар бири ўзига хос шифобахш. Ўшашлиги минерал булоқ сувларида. Улардан бири Чимён бальнеологик санаторийси - Ўрта Осиёнинг энг катта сиҳатгоҳи ҳисобланади. Бу жойда бир бор дам олган инсон қайта келиши аниқ.

— Илгарилари Чимён деганда кўз олдимда тоғлар орасидаги жой гавдаланарди, — дейди Хоразм вилояти, Шовот туманида



нида яшовчи Бозорбой ота Абдуллаев. —Бундан беш йил аввал биринчи бор дам олиш учун келганда табиати ҳавасимни оширди. Тонгда сайр қиламан, ҳавоси тоза, енгилки, танангиз яйрайди. Гўё бир мўъжиза. Ҳар йили баҳорда оилам билан келишга одатландим.

Бугина эмас, сиҳатгоҳлари билан бирга табиий ва тарихий ёдгорликлари, кенг боғлари, хушфёъл ва

меҳмондўст одамлари ҳам этиборингизни тортади. Қишлоқнинг "ташриф қоғози"га айланган патириланинг мазаси такрорланмас, оғзингизда қолади. Ҳеч бир инсон йўқки, бу жойни босиб ўтаётганда патириларида харид қилмаган бўлса. Хорижлик меҳмонлар ҳам яқинларига ана шу патирилдан илинишади.

Айтишларича, патириллар қанчаларинг меҳри,

қалб қўри жо бўлар экан. Шу билан бирга табиий дармондориларга бой экологик тоза маҳсулотлар қўшилиши хушгаъм бўлиши ҳамда узоқ муддат сифати бузилмай туришини таъминлайди. Мана шу хунарнинг ортидан юзлаб инсонларнинг бандлиги таъминланади.

Меҳмонлар аввало, зиёратларини Хўжа Назар Ғойибназар ўғли Хувайдо мақбарасидан бошлайдилар. Хувайдо шу қишлоқда туғилган бўлиб, шоир, тасаввуф шеърятининг йирик вакили сифатида танилган. Қўқон мадрасаларида ўқиган. Қишлоқда мактаб очиб, узоқ вақт мактабдорлик қилган. Бироқ асосий хунари — қосиблик билан шуғулланган. Шунингдек, ҳаёти давомида Чимёнда масжид ва хонақоҳлар қурдириб, эшонлик қилган. Хувайдо девони

да келтирилган бир нақлга кўра, мумтоз шеърятнинг деярли барча жанрларида ижод қилган. Шеърлари халқ орасида жуда машҳур бўлган. Ҳозирда мақбара ва музей шоир шажарасининг олтинчи авлоди 90 ёшли Ўлмас ота томонидан обод қилинган.

Чимёндаги Бақалиқ кўл, Қовунчи ота маскани ва Ўн бир пахса (Қозининг уйи) қадимий ёдгорликлар ҳам узоқ мезгилдан сўзлайди. Уларнинг яралиш тарихи ҳақида бу ерликлар фахр билан гапирдилар. Қолаверса, юқоридагилар худуднинг туристик салоҳиятини оширади, ўтмишдан хабардор қилади.

Бир сўз билан айтганда, Чимённинг ўтмиши ҳам, бугуни ҳам қизиқарли. Агар йўлингиз тушса, албатта киринг, ўз кўзингиз билан кўрасиз ва гувоҳи бўласиз.

Акбаржон НАЗАРОВ,
Анджон-Чимён-Анджон.

Донишмандлардан бири "билган сарим билимсизлигимни билдим" деган экан. Дарҳақиқат, етук инсон учун билимли бўлмоқнинг ҳад-ҳудуди йўқ. Дунёни англаган сари яна англаимиз, атроф-борлиқни билимиз келаваради. Шу боисдан муборак ҳадиси шарифда "Бешиқдан то қабрғача илм изланг", дея бежиз марҳамат қилинмаган.

Этиборингизга ҳавола этилаётган викторина саволларини бир мавзуга – санъатга қаратдик. Адабиёт, тасвирий санъат, театр-кино борасидаги билимларингиз, билганларингизни яна бир синовдан ўтказиб, ҳозиржавоб ўқувчимизга айлانسиз, деган умиддамиз. Савол – биздан, жавоб – сиздан. Заковат-викториналаримизда фаол иштирок этганлар тахририятимиз томонидан тақдирланади. Шундай қилиб бошладик:

ҲАММАСИДА САНЪАТ МУЖАССАМ

1. Аввалига у ўзини турли соҳаларда: рассомлик, артистлик, фотографик, қурилиш ва ҳатто докторликда ҳам синаб кўрган. Бироқ, кейинчалик адабиётни танлаб, машхуриликка эришган. У таниқли ўзбек адаби...
OOOO OOOOO

2. XX асрнинг таниқли рус адабий танқидчиси В.Гюффеншефер у ҳақида "бадиий адабиётнинг энг инжиқ ўқувчиси ва энг маккор талқинчиси" деган эди. Танқидчи нимани назарда тутмоқда?
OOOO

3. 1990 йил футбол бўйича жаҳон чемпионатининг очилишида Nessundorfta ариясини ижро қилиш унга янада оламшумул шуҳрат келтирди. Энг қизиғи, унинг ўзи ҳам футболни севарди, болалигида ҳатто футболчи бўлмоқчи эди. "Ювентус" футбол командасининг ашаддий мухлиси саналарди. Гоҳида бу команданинг эски ўйинларини ёзувларда қайтадан томоша қиларди. Гап қайси қўшиқчи ҳақида кетмоқда?
OOOOOO OOOOOOOO

4. Қаерда бўлмасин – кинодами, телевидениедами – ортидан эргашиб

юрган муаммо – оврупоча қиёфаси иккинчи даражали қахрамонлар ролларигагина тўғри келишидан қийналарди. Театрдан кетишга чоғланган актёрни эса фақат бир роль қайтариб қолади. Бу, драматург Шуҳрат Ризаевнинг "Искандар" пьесаси асосида Ўзбекистон халқ артисти Баҳодир Йўлдошев саҳналаштирган спектаклдан Навоий роли эди. Ушбу актёр ким эди?
OOOOO OOOOOOOO

5. "Мен учун санъатда энг муҳими – инсонни тасвирлаш!". Ҳақиқат.



Ҳақиқат! Ҳақиқат! Менга бошқа нарсанинг аҳамияти йўқ".

Ушбу сўзлар ҳаёт ва ижоднинг машаққатли синовларидан ғолибона ўтган ва алал-оқибат XX асрда дунёнинг энг машхур ва буюк кишиларидан бирига айланган улуғ санъаткорнинг шиори эди. Бу инсон...
OOOOO OOOOOO

Тузувчи: Ҳ.ТОҲИРОВ
Изоҳ: доиралар ичида жавоблар яширинган. Жавобларни 94) 388 86 58 телеграмм манзилига юборишингиз мумкин.



МУАССИС:

"HAMKOR PRESS" MCHJ

Бош муҳаррир: А. НАЗАРОВ

Газета Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Аxbорот ва оммавий коммуникациялар агентлигида
2021 йил 19 майда
1181 рақам билан
қайта рўйхатта олинган
Индекс: 460
e-mail: hamkor.press@mail.ru

Газета "Hamkor press" тахририяти компьютерида терилди ва сақфаланди.
Нашр учун масъул:
Н. ЙЎЛДОШЕВА
Саҳифаловчи:
А. КАБИРОВ
Манзилимиз:
Анджон шаҳри,
105100, Бобур шоҳ кўчаси 53-уй.
Тел: 78 298-01-07

"Шарқ" НМАК босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри,
Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти - 18.00

Топширилди - 20.00

Қоғоз бичими - А3

Буюртма: Г-0849 Адади: 6360

1 2 3 4 5 6

Ҳажми 2 босма тобоқ.



Сотувда келишилган нархда.